

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2023 йил 12 апрель, № 72 (8415)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 11 апрель куни ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар 19 миллиондан ортиқ ёки аҳолининг 55 фоизини ташкил қилади. Меҳнат бозорига ҳар йили 600 минг ёш кириб келаётган бўлса, келгуси 10 йилда бу рақам 1 миллионга етади.

Шу боис ёшларга сифатли таълим бериш, касб-хунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ишларни маҳаллада ташкил этиш бўйича вертикаль бошқарув тизими яратилди. 9 минг 500 та маҳаллага фидойи ва ташаббускор ёшлар етакчилари тайинланди. Бу тизим орқали ёшларга 100 дан ортиқ имкониятлар яратилди, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилди.

Жумладан, ўтган йилнинг ўзида ёшлар тадбиркорлиги учун 4 триллион сўм кредит берилиб, 150 минг та лойиҳа ишга туширилган, 325 мингта иш ўрни яратилган. 43 минг гектар экин майдони ажратилиб, 435 минг ёшнинг бандлиги таъминланган. 32 мингдан зиёд ёшларга субсидия орқали асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари ва компьютер олиб берилган.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Хусусан, ўтган йили 130 минг талабага 1 триллион 700 миллион сўм таълим кредити берилди, хотин-қизларнинг магистратурада ўқиши бепул бўлди. 53 минг нафар эҳтиёжманд талабага шартнома пуллари, 15 мингдан зиёд ёшларга ҳарбий хизмат

ва 13 минг нафарига чет тиллари бўйича имтиҳон харажатлари тўлаб берилди. 81 минг талабага уй-жой ижараси тўлови ажратилди. "Ёшлар дафтари" орқали 300 минг ёшга қарийб 600 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Лекин бу борада долзарб масалалар хали ҳам кўп. Бугунги кунда юртимизда 722 минг нафар расман ишсиз ёшлар бор.

Бу соҳадаги ишларни янада аниқ ва манзилли ташкил этиш мақсадида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 9 миллион нафар ўғил-қиз алоҳида эътиборга олинди. Бунага биринчи марта 25 та вазирлик ва идора маълумотлари ўзаро уйғунлашган электрон базага жамланди. Барча ёшларнинг ижтимоий аҳоли, қобилияти ва қизиқишлари ўрганилиб, "маҳалладан вазирликкача" тизимида ишлаш чоралари белгилаб олинган.

Йиғилишда, аввало, ишсиз, норасмий секторда банд бўлган ва чет элга ишлагани кетган ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари бу борада қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни белгилаб берди.

Хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш учун, аввало, ишга қабул қилиш тизimini қайта кўриб чиқиш кераклиги таъкидланди.

Мисол учун, хозирда 103 мингдан ортиқ ташкилотларда 254 минг бўш иш ўрни бор. Лекин ўтган йили олий таълимни битирган 6 мингдан ортиқ, коллеж ва техникумни тамомлаган

30 минг нафар йигит-қиз иш топа олмаган.

Шу боис энди ҳар бир вазирлик ўз тармоғидаги касбларга малака талабини ўзи белгилайди. Шунингдек, вазирликлар олий ва ўрта махсус таълимга бюртма берибгина қолмай, уларнинг ўқув дастурларини бирга ишлаб чиқадди.

Маълумки, 2021 йилда 25 ёшгача бўлган йигит-қизларни ишга олган корхоналарга ижтимоий солиқни қайтариб бериш амалиёти жорий қилинган эди. Ўтган даврда бундан 9 мингдан зиёд корхоналар фойдаланди ҳамда 100 минг ёшнинг бандлиги таъминланди. Давлатимиз раҳбари бу ижобий тажриба мuddатини яна икки йилга узайтириш бўйича қўрсатма берди.

"Янги Ўзбекистон ёшлари ташаббуслари" жамғармаси ва электрон платформаси ташкил қилиниши белгиланди. Жамғармага 100 миллион доллар йўналтирилиб, бу маблағлар иқтидорли ёшларнинг энг ахши гоя, стартап ва лойиҳаларига қулай ва энгил шартларда, зарур бўлса фоизсиз ажратилади.

IT-парклар бўйича тажрибадан келиб чиқиб, ҳудудларда "Креатив парк"лар ҳам ташкил этилади. Уларга IT-парк резидентларига берилган имтиёз ва энгилликлар қўланади.

"Ёшлар дафтари" жамғармаси маблағлари ҳам кўпроқ касб ўргатишга, бандлиқни таъминлашга хизмат қилиши кераклиги таъкидланди. Шу боис энди бу жамғарма ор-

қали турдош хизматлардан бир вақтнинг ўзида фойдаланиш имконияти яратилиши белгиланди.

Давлат қўмағига муҳтож ёшлар ҳар бир вазир ва унинг ўринбосарлари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, ректорлар, Миллий гвардия ва ҳарбий қисм командаларига номма-ном бириктирилди. Улар ўз ҳимоясидаги ўғил-қизларнинг касб-хунарга ўрганишига, кредит, субсидия ва қафиллик олиш орқали бандлигига қўмақлашади.

Йиғилишда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Яқинда 100 мингдан ортиқ ёшлар ўртасида ўтказилган сўровномада улар маҳалласида спорт билан шугулланишга шарафит ҳамда кўнглилар масканлар етишмаслигини билдирган.

Шу боис биринчи босқичда вилоят марказларида, кейинчалик туманларда кечаю кундуз ишлайдиган ёшлар сайилгоҳлари ташкил этиш ва экини қўйилди. Уларда спорт, киберспорт ва интеллектуал ўйинлар, китобхонлик, караоке учун шарафитлар қўйилди. Шунингдек, ҳар бир туманда "Ёшлар сайли" ва ижод кўчалари, олий ўқув юртиларида спорт лигалари, коворкинг ва театр студиялари ташкил қилинади.

Бугунги кунда 1,5 миллион ёш бўш вақтини чет тили ўрганишга бағишлайди. Уларнинг бу интилишлари рамаблантирилиб, хусусий марказларда тил ўрганиш харажатларига субсидиялар ажратилади.

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 11 апрель куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан ўтказган телефон орқали мулоқотида товар айирбошлаш суръатларини таъминлаш ва қўшма кооперация лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган биринчи галдаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Икки мамлакат ишбилармонлари ва ҳудудлари даражасидаги амалий ҳамкорликни илгари суришда апрель ойининг охирида Тошкент шаҳрида ўтказилган "Иннопром" халқаро саноат кўргазмаси имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Маданий-гуманитар алмашинув дастури доирасидаги ҳамкорлик сермахсул бўлаётгани манунитат билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

Ў.А.

Мулоқот

ЮРТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР КОНСТИТУЦИЯ ДАРАЖАСИДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бухоро вилоятининг қатор ҳудудлари, хусусан, Бухоро шаҳри, Бухоро, Ромитан ва Олот туманларида амалий ташриф билан бўлди.

Сенат Раиси у ерда маҳаллий Кенгаш депутатлари, маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, профилактика инспекторлари, хотин-қизлар фаоллари, оқила аёллар, профессор-ўқитувчилар, талабалар билан учрашди ҳамда оилавий болалар уйида воёга етаётган ўғил-қизлар ҳолидан хабар олди.

Дастлаб вилоят ҳокимлигида маҳаллий Кенгаш депутати, котибият мудири, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, вазирлик ва идоралар ҳудудий бошқармалари раҳбарлари ҳамда фаоллар билан учрашув ўтказилди. Улар билан Сенат ва маҳаллий Кенгаш фаолиятидаги ҳамкорлик масалалари, ҳар бир қонун ҳужжатини ҳудудлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқиш, айнан бу борадаги ишлар янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам қатъий белгилаб қўйилаётгани, янги таҳрирда халқ муҳокамасига ҳавола этилган Конституцияга сезилган эҳтиёж, унинг ишлаб чиқиш жараёни ва вилоятда амалга оширилаётган ислохотлар, янгилик ва ривожланишларда депутатларнинг туган ўрни юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқотда янгиликларнинг Конституция лойиҳасини

шакллантиришда умумхалқ муҳокамаси чоғида 220 мингдан ортиқ таклифлар қарийб 65 фоизи инobatта олингани ҳақида депутатлар билан мулоқот қилинган айтиб ўтилди.

Айниқса, Конституцияга нормалар замон талаби асосида киритилгани, биргина сўнгги йилларда юртимизда амалга оширилган очиқлик, мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасидаги ислохотларни Бош қомус даражасида мустаҳкамлаш мақсад қилинган алоҳида қайд этилди.

Ўз навбатида, сўзга чиққан депутатлар янгиликларнинг Конституциянинг асосий муаллифи халқ бўлаётгани, билдирилган таклифлар сўзсиз инobatта олингани, Бош қомусда ёшлар, хотин-қизлар масалалари юзасидан алоҳида нормалар сони оширилганига урғу қаратди.

Шундан сўнг Т. Норбоева Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида бўлиб, у ерда яратилган шарт-шароит билан танишиди, профессор-ўқитувчилар ва талаба ёшлар билан суҳбатлашди.

Ўзбекистон — Хитой:

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ЮКСАК БОСҚИЧДА

Дунёда ўсиб бораётган қарама-қаршилик ва жорий бекорлик саҳнида мамлакатимизнинг Хитой Халқ Республикаси билан муносабатлари изчиллик билан ривожланиб бормоқда. Бу ўзаро савдо айланмасининг барқарор ўсиши, тугаш нуқталар сонининг ортишида намоён бўлмоқда, энг муҳими, томонлар ўзаро манфаатли шериклик учун борган сари кўпроқ соҳаларни очиб, сарможаларни ошириш, салоҳиятни кучайтиришга эътибор қаратаётгани диққатга сазовор.



Биз ва жаҳон

Илғор инновациялар минтақаси

Яқинда Сирдарёга ташрифи чоғида Президент Шавкат Мирзиёев мазкур вилоятни "илғор инновациялар минтақаси"га айлантириш бўйича беш босқичли ташаббусни эълон қилди. Бу ишда Хитойнинг саноат, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, таълим ва тиббиётдаги тажрибасидан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Бундан ташқари, минтақага осмоноти мамлакатидан сарможалар келиши қўйилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, деярли бир миллионга яқин аҳолига эга маъмурий бирлики биргаликда тараққиётнинг янги даражасига олиб чиқишни кўзлаган бундай лойиҳа Марказий Осиёда илк бор илгари суррилди. Бу, энг аввало, дипломатия, тартиқ иқтисодий фаолият, гуманитар алоқаларни йўлга қўйиш соҳаларидаги изчил ишларнинг натижасидир. Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси етакчиларининг ўзаро дўстона муносабатлари, ҳар икки мамлакатда амалга оширилаётган очиқлик сиёсати бунда асосий роль ўйнади.

Сирдарё вилоятидаги кенг



«Органик Хлорелла» МЧЖ:

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ ВА ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР УЙҒУНЛИГИ

Бугунги кунда юртимизда табиатнинг асл неъматларини авайлаб асраш, экологик барқарорликка эришиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги тармоқларини жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш борасида кенг қўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Ислохот уфқлари

Айни жараёнда илм-фан ютуқлари, инновацион ғоялардан самарали фойдаланиш бўйича истиқболли ғоялар ҳаётга кенг татбиқ этилиб, халқ хўжалигининг барча тармоғини замонавий меъдонлар асосида ислоҳ қилишга жиддий эътибор қаратилляпти. Хусусан, Тошкент вилоятининг Бўжа туманидаги «Органик Хлорелла» МЧЖ томонидан амалга оширилишига киришилган истиқболли лойиҳа илм-фан ютуқлари ҳамда инновацион ғояларни ўзаро уйғунлаштириши билан аҳамиятлидир. Шу йилнинг 30 март куни Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон

Республикасига ташрифи чоғида ҳаётбахш ислохотлар билан танишиб, ёш оlima Севара Рустамованин органик хлорелла бўйича олиб бораётган илмий изланишлари юксак эътироф этгани бежиз эмас. Боиси дунёнинг энг ривожланган давлатларида турли соҳаларда амалиётда кенг қўлланиладиган соф биологик ўғит — органик хлорелла олимларимиз томонидан юртимизда иқтисодиёт тармоқларини бугунги давр талаби ва эҳтиёжи асосида ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида таъкидланмоқда.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Прокуратура тўғрисида**»ги 746–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 4, 218-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 5, 267-модда, № 11, 791-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 5, 466-модда) **8-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссиясининг ягона мувофиқлаштурувчи органидир».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»ги 915–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРК–350-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 9, 588, 591-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова, № 12, 1194-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 570-модда, № 10, 984-модда) **13-моддасининг иккинчи қисмидаги** «туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмитасининг хотин-қизлар билан ишлаш ва oilаларда маънавий-ахлоқий кадрларини мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси, шунингдек ҳудуддаги профилактика инспекторлари ва уларнинг жамоат тартибни сақлаш бўйича ёрдамчилари, таълим муассасаларининг, қишлоқ врачлик пунктларининг» деган сўзлар «маҳалла хотин-қизлар фаоли, шунингдек ҳудуддаги профилактика инспекторлари ва уларнинг жамоат тартибни сақлаш бўйича ёрдамчилари, таълим муассасаларининг, oilавий врачлик пунктларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **17-модданин:** **иккинчи қисми** «119» рақамидан кейин «-моддалари, 126¹-моддасининг тўртинчи – саккизинчи қисмларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Ушбу Кодекснинг 122, 123, 125¹-моддаларида, 126¹-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 127, 127¹, 128¹, 144, 146, 193 – 195, 205 – 210, 225, 226, 230 – 232, 234, 235, 279 – 302-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортилдилар»;

2) **58-модда иккинчи қисмининг «б» банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«б) тинчлик ва хавфсизликка қарши тамом бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек қуйидагилар билан: жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш билан;

ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни файритабий усулда қондириш билан;

ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни файритабий усулда қондириш билан; вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик махсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижросиси сифатида жалб этиш билан;

вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда қўшмачилик қилиш, фоҳишахоналарни ташкил этиш ёки сақлаш билан; ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини, бундай қурол яратишда фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни, радиоактив материалларни контрабанда қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун жазолар тайинлашда қўлланилмайди»;

3) **66¹-модданин биринчи қисмидаги** «121-моддасининг биринчи қисмида (аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш), 122-моддасида (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-моддасида (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 125-моддасининг биринчи қисмида (фарзандликка олиш сирини ошқор қилиш), 126¹-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида (oilавий (маиший) зўравонлик)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **73-модда тўртинчи қисмининг «г» банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«г) жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик, ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчининг номусига текканлик ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни файритабий усулда қондирганлик, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсни жинсий алоқада бўлиш ёки жинсий эҳтиёжни файритабий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда жинсий алоқа қилишга мажбур этганлик, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилганлик ёки жинсий эҳтиёжни файритабий усулда қондирганлик ёки унга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилганлик, вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик махсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирганлик, худди шунингдек уни тайёрлаганлик, тарқатганлик, реклама қилганлик, намойиш этганлик ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижросиси сифатида жалб этганлик, вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда қўшмачилик қилганлик, фоҳишахоналарни ташкил этганлик ёки сақлаганлик, Ўзбекистон Республикасига, тинчликка ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этганлик, ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қирғин қуролиларини, шундай қурооларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материал ва ускуналарни, контрабанда қилганлик учун ҳўжм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди»;

5) **87-модданин биринчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссияда» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **104-модда биринчи қисмининг диспозицияси** «ва ушбу Кодекснинг 126¹-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **105-модда биринчи қисмининг диспозицияси** «ушбу Кодекснинг 126¹-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) **109-модда иккинчи қисмининг диспозицияси** «ушбу Кодекснинг 126¹-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9) **110-модда биринчи қисмининг диспозицияси** «104, 105-моддаларида» деган сўзлардан кейин «126¹-моддасининг тўртинчи – саккизинчи қисмларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **115-модданин санкцияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш микдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача микдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача умийн ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатдан уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

11) **118-модданин матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Номусга тегиш, яъни зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш,

– беш йилдан саккиз йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Номусга тегиш:

- а) икки ёки бир неча шахсга нисбатан;
- б) тақоран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 119, 121, 128 ва (ёки) 129-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан;
- г) ўлдириш билан қўрқитиб;
- д) ногиронлик белгисига эга эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, – саккиз йилдан ўн йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Номусга тегиш:

- а) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсга нисбатан;
- б) яқин қариндошига, собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгор асосида биргалиқда яшаётган шахсга ёхуд умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан;
- в) жабрланувчини тарбиялаш, ўқитиш ва (ёки) унга гамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан, шунингдек жабрланувчига қараб туриш мажбуриятлари қонун билан зиммасига юклатилган таълим, тарбия, даволаш ёки бошқа муассасанинг ходими томонидан;
- г) оммавий тартибсизликлар иштирокчиси томонидан;
- д) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
- е) оғир оқибатларга олиб келган бўлса, – ўн йилдан ўн беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсининг номусига тегиш, – ўн беш йилдан йигирма йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

12) **119-модданин матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни файритабий усулда қондириш, – беш йилдан саккиз йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар:

- а) икки ёки ундан ортик шахсга нисбатан;
- б) тақоран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 118, 121, 128 ва (ёки) 129-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан;
- г) ўлдириш билан қўрқитиб;
- д) ногиронлик белгисига эга эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, – саккиз йилдан ўн йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданин биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсга нисбатан;
- б) яқин қариндошига, собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгор асосида биргалиқда яшаётган шахсга ёхуд умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан;
- в) жабрланувчини тарбиялаш, ўқитиш ва (ёки) унга гамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан, шунингдек жабрланувчига қараб туриш мажбуриятлари қонун билан зиммасига юклатилган таълим, тарбия, даволаш ёки бошқа муассасанинг ходими томонидан;
- г) оммавий тартибсизликлар иштирокчиси томонидан;
- д) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
- е) оғир оқибатларга олиб келган бўлса, – ўн йилдан ўн беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳаракатлар ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, – ўн беш йилдан йигирма йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

13) **121-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«121-модда. Шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш

Хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатдан айбдорга қарам бўлган шахсни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни файритабий усулда қондиришга мажбур этиш, –

уч юз соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракат оғир оқибатларга олиб келса, –

уч йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш ёки уч йилдан беш

йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракат жинсий алоқада бўлиш ёки жинсий эҳтиёжни файритабий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданин учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракат:

- а) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсга нисбатан;
- б) яқин қариндошига, собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгор асосида биргалиқда яшаётган шахсга ёхуд умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан;
- в) тақоран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 118, 119, 128 ва (ёки) 129-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;
- г) оғир оқибатларга олиб келса, – беш йилдан саккиз йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

14) қуйидаги мазмундаги **126¹-модда** билан тўлдирилсин:

«126¹-модда. Oilавий (маиший) зўравонлик

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгор асосида биргалиқда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлигининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини тахрирлаш, уларни қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, шунингдек башарти бошқа жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса, –

базавий ҳисоблаш микдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача микдорда жарима ёки бир юз олтимиш соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзгор асосида биргалиқда яшаётган шахсни ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш, уша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш микдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача микдорда жарима ёки бир юз олтимиш соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгор асосида биргалиқда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортик, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш, –

базавий ҳисоблаш микдорининг ўттиз бараваридан етмиш бараваригача микдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгор асосида биргалиқда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва ушбу модданин олтинчи қисмида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камидда йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоиздан ўттиз уч фоизгача йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга ўртанча оғир шикаст етказиш, –

уч юз олтимиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданин тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) икки ёки ундан ортик шахсга нисбатан;
- б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- в) ўта шафқатсизлик билан;
- г) гаразли ниятларда;
- д) диний таассублар замирида;
- е) бир гуруҳ шахслар томонидан;
- ж) тақоран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 97, 104 ва (ёки) 105-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;
- з) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- и) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгор асосида биргалиқда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида қўриш, сўзлаш, айтилиш қобилиятини йўқотишига ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқишига ёки унинг функциялари тамоман йўқолишига, руҳий ҳолатининг бузилишига ёки соғлиқнинг бошқача тарзда ёмонлашувига, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоиздан кам бўлмаган қисмининг йўқолишига ёки ҳомиланинг тушишига ёхуд баданиннг тузалмайдиган даражада хунлиқлашишига сабаб бўлса, –

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

⟨ (Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

1) **84-модда бешинчи қисмининг 3-бандидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **325-модданинг биринчи қисми** «141¹-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин «141³-моддасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **334-модданинг биринчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **345-модданинг бешинчи қисмидаги** «121-моддаси иккинчи қисмида, 122¹-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 124-моддасида, 127-моддасида иккинчи ва учинчи қисмларида, 127¹-моддасида иккинчи ва учинчи қисмларида, 128-моддасида иккинчи ва учинчи қисмларида, 129-моддасида иккинчи қисмида» деган сўзлар «121-моддасида иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 122¹-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 124-моддасида, 126¹-моддасида бешинчи – саккизинчи қисмларида, 127-моддасида иккинчи ва учинчи қисмларида, 127¹-моддасида иккинчи ва учинчи қисмларида, 128, 128¹-моддаларида, 129-моддасида иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **381²-модда биринчи қисмининг 1-бандидаги** «125, 125¹, 126-моддаларида, 127-моддасида биринчи қисмида, 127¹-моддасида биринчи қисмида, 128-моддасида биринчи қисмида, 128¹-моддасида, 129-моддасида биринчи қисмида» деган сўзлар «125, 125¹, 126-моддаларида, 126¹-моддасида биринчи – тўртинчи қисмларида, 127-моддасида биринчи қисмида, 127¹-моддасида биринчи қисмида, 129-моддасида биринчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **536-модданинг учинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **537-модданинг учинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **542-модданинг олтинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **551-модданинг матнидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **562-модданинг: номидаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга»** деган сўзлар «**Болалар масалалари бўйича комиссияга**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

1) **564-модданинг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Вояга етмаган шахсни Жиноят кодекси 87-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жавобгарликдан озод қилиб, материаллари болалар масалалари бўйича комиссияда қуришга топшириш чоғида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ахрим чикаради».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда; № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 9, 903-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1189-модда) куйидаги қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **7-модданинг иккинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **14-модданинг: биринчи қисмидаги** «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **23-модданинг биринчи қисми** куйидаги мазмундаги **41-банд** билан тўлдирилсин:

«4¹) ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиши»;

4) куйидаги мазмундаги **28¹-модда** билан тўлдирилсин:

«28¹-модда. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиши

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш ҳуқуқбузарни ижтимоий фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий равишда жалб этишдан иборат бўлиб, у судлар томонидан саккиз соатдан икки юз қирқ соатгача бўлган муддатга тайинланади. Агар ҳуқуқбузар ўқитган бўлса, жамоат ишлари ўқишдан бундан бажариларида.

Ҳуқуқбузарлар ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг турлари мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар – ички ишлар органларининг пробация бўлиналари томонидан белгиланади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари пенсия ёшига етган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлганларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлганларга болалари бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, доимий ишга эга шахсларга, ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахслар ўш ҳақнинг эрлик физи алимент мажбуриятлари бўйича қарзни тўлашга йўналтирилсин.

Ҳуқуқбузар жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг ўталмаган муддатини ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг тўрт соати учун маъмурий қамоқнинг бир кунига тенг жазо билан ёхуд ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг саккиз соати учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварига тенг жарима билан алмаштирилади. Бунда маъмурий қамоқнинг муддати ўн беш суткадан, жаримнинг миқдори эса базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ошмаслиги керак.

Жазони ўташдан бўйин товланган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди»;

5) **29¹-модда** куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тартибда чиқариб юбориш Ўзбекистон Республикаси фуқаросига алимент тўлаш бўйича мажбуриятларга эга бўлган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилмайди»;

6) куйидаги мазмундаги **41¹-модда** билан тўлдирилсин:

«41¹-модда. Шахвоний шилқимлик қилиш

Шахвоний шилқимлик қилиш, яъни шахсга нисбатан унинг учун номақбул бўлган ҳамда унинг шаъни ва қадр-қимматини тахрирлайдиган, шахсининг таъқи қиёфасини ёки қадр-қоматини таъсирлашда, имо-ишора қилишда, тегинишда, қақришда ифодаланган, шахвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатлари бир марта қўпол равишда ёки бир неча марта содир этиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

7) **47¹-модда биринчи қисмининг санкцияси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки бир юз йигирма соатгача ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этишга ёхуд ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий жазоларнинг мазкур турлари қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

8) **47²-модда биринчи қисмининг санкцияси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки бир юз йигирма соатгача ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этишга ёхуд ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий жазоларнинг мазкур турлари қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

9) куйидаги мазмундаги **47³-модда** билан тўлдирилсин:

«47³-модда. Ота-онанинг ўз вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш бўйича мажбуриятларини бажармаслиги

Ота-она яшаш жойида вақтинча бўлмаганда ёхуд улар ўз ота-оналик мажбуриятларини бажара олмайдиган давр учун вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш бўйича мажбуриятларини бажармаслиги, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

10) **52-модда иккинчи қисмининг диспозицияси** «башарти ушбу Кодекснинг 59²-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлмаса,» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

11) куйидаги мазмундаги **59²-модда** билан тўлдирилсин:

«59²-модда. Олавий (маиший) зўравонлик

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқни амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан ҳақ қилиш етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлигининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини тахрирлаш, уларни, қўриқтиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш, башарти жиноят аломатлари, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликлар аломатлари мавжуд бўлмаса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

12) **189¹-модданинг: номидаги «Зўравонликни ёки шафқатсизликни»** деган сўзлар «**Тазийқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

диспозициясидаги «Зўравонликни ёки шафқатсизликни» деган сўзлар «Тазийқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

санкциясидаги «зўравонликни ёки шафқатсизликни» деган сўзлар «тазийқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **242-модданинг 3-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«3) **болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиялари;**

14) **243-модданинг: номидаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларнинг»** деган сўзлар «**Болалар масалалари бўйича комиссияларнинг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар «Болалар масалалари бўйича комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «40, 41, 42, 43 (бундан тadbиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилиши ҳоллари мустасно), 44, 45, 46, 46¹, 46²-моддаларида, 47-моддасининг иккинчи – тўртинчи қисмларида, 47¹, 47², 47³, 47⁴, 47⁵, 47⁶, 48, 49¹, 49², 51¹, 51², 51³, 51⁴, 51⁵, 51⁶, 51⁷, 51⁸, 51⁹, 52, 56, 57, 58, 59, 59¹-моддаларида» деган сўзлар «40, 41, 41¹, 42, 43 (бундан тadbиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилиши ҳоллари мустасно), 44, 45, 46, 46¹, 46²-моддаларида, 47-моддасининг иккинчи – тўртинчи қисмларида, 47¹, 47², 47³, 47⁴, 47⁵, 47⁶, 47⁷, 48, 49¹, 49², 51¹, 51², 51³, 51⁴, 51⁵, 51⁶, 51⁷, 51⁸, 51⁹, 52, 56, 57, 58, 59, 59¹-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **247-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«247-модда. Болалар масалалари бўйича комиссиялар

Болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиялари вояга етмаган шахслар содир этган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади, бундан ушбу Кодекснинг 194 ва 194¹-моддаларида назарда тутилган ишлар мустасно. Ушбу Кодекснинг 61, 116¹, 116², 125, 125¹, 126, 127, 128, 128¹, 128², 128³, 128⁴, 128⁵, 128⁶, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 135¹, 136, 137, 138, 183, 185, 185¹, 220, 221-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар фақат ўзига мазкур ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш келиб тушган орган (мансабдор шахс) уни болалар масалалари бўйича комиссияларга кўриб чиқиш учун топширган ҳоллардагина ушбу комиссиялар томонидан кўриб чиқилади. Болалар масалалари бўйича комиссиялар вояга етмаганларнинг ота-оналарига ёки улар ўрнини босувчи шахсларга тааллуқли бўлган, ушбу Кодекс 47-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлари ҳам кўриб чиқади»;

17) **304-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар «Болалар масалалари бўйича комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 8, 469-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 199-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-м

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2, 3-бетларда).

«9-модда. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз ваколатлари доирасида;

иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин: «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатлари ҳам амалга ошириши мумкин»;

4) **10-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбоши**си куйидаги мазмундаги **еттинчи – ўнинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«ахборот тизимини юрилади; ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни ва уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этади; ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ғамхўрлик қилаётган шахсларни рағбатлантириш механизмларини яратади ва такомиллаштиради;

оилага тарбияга олинган (патронат) болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини мониторинг қилади; етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жой сотиб олиш учун назарда тутилган маблағларнинг тақсимланиши ҳамда уларнинг ўз эгаларига берилиши устидан назорат ўрнатади»;

5) **12-модда:** **номи** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«12-модда. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш шубъаларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатлари»;

биринчи қисмининг: биринчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин: «Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шубъалари ўз ваколатлари доирасида»;

учинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин: «етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларнинг ахборот базасини юрилади, шунингдек давлат статистика хисоботини тегишли давлат статистика органига қонунчиликда белгиланган шаклда ва муддатларда тақдим этади»;

тўртинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин: «етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулк ҳақидаги маълумотларни ахборот тизимига киритади»;

тўққизинчи хатбошидаги «туман, шаҳар ҳокимига ҳулоса беради» деган сўзлар «туман, шаҳар ҳокими учун ҳулоса тайёрлайди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин: «Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шубъалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатлари ҳам амалга ошириши мумкин»;

6) **13-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошидаги** «давлат реестрига» деган сўзлар «ахборот тизимига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **15-модданинг: номидagi «Давлат реестрига»** деган сўзлар «Ахборот тизимига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин: «Васийлик ва ҳомийлик органлари васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар тўғрисидаги, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулк ҳақидаги маълумотларни ҳар ойда ахборот тизимига киритади»;

иккинчи қисмидаги «туман, шаҳар ҳокимлигини» деган сўзлар «туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шубъаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **16-модданинг биринчи қисми** «маълумотларни» деган сўзлар кейин «ахборот тизими орқали ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9) **17-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошидаги** «давлат реестрига киритиш учун улар ҳақиқатда турган жойдаги туман, шаҳар ҳокимлигига» деган сўзлар «ахборот тизимига киритиш учун улар ҳақиқатда турган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимлигининг болаларни ҳимоя қилиш шубъасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **18-модданинг: номи** ва **биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«18-модда. Ахборот тизимини юритиш

Ахборот тизимини туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шубъалари юрилади»;

иккинчи қисмидаги «Давлат реестрига» деган сўзлар «Ахборот тизимига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Давлат реестрини» деган сўзлар «Ахборот тизимини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **20-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин: «Ота-она уч ойдан ортқ муддатга яшаш жойидан, шу жумладан, чет давлатга вақтинча чиқиб кетаётганида ушбу Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ ўз боласига васий ёки ҳомий тайинлаш чораларини кўриши шарт.

Ота-она уч ойдан ортқ бўлмаган муддатга яшаш жойидан, шу жумладан, чет давлатга вақтинча чиқиб кетишидан камда бир ой олдин ўз боласини қариндошларининг ёки бошқа яқин кишиларининг васийлигига ёки ҳомийлигига да назорати остида қолдириши шарт. Бу ҳолда васийлик ёки ҳомийлик агар боланинг манфаатлари учун зарур бўлса, белгиланади.

Ота-она уч ойдан ортқ муддатга яшаш жойидан, шу жумладан, чет давлатга вақтинча чиқиб кетишидан камда бир ой олдин ўз боласига васий ёки ҳомий тайинлаш тўғрисидаги аризани ўзи вақтинча ёки доимий яшаётган ҳудуднинг васийлик ва ҳомийлик органига бериши керак.»;

12) **36-модданинг бешинчи қисмидаги** «давлат реестрига тегишли маълумотларни киритиш учун туман, шаҳар ҳокимлигига» деган сўзлар «ахборот тизимига тегишли маълумотларни киритиш учун туман (шаҳар) ҳокимлигининг болаларни ҳимоя қилиш шубъасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **40-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин: «Васийнинг ёки ҳомийнинг ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсинг таъминотида доир харажатларининг ўрни васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс маблағлари ҳисобидан қопланади, бу маблағлар етарли бўлмаган тақдирда эса, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсинг таъминоти учун васий ва ҳомийга қонунчиликда белгиланган тартибда нафақа тайинланиши мумкин».

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «**Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида**»ги ЎРҚ–371-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 129-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда;

2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589, 591-моддалар, № 10, 674-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 1, 5-модда, № 5, 466-модда) **36-моддаси биринчи қисмининг еттинчи хатбошидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган «**Болаларни уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–444-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 508-модда; 2019 йил, № 9, 591-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 1, 5-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **7-модда биринчи қисмининг учинчи хатбоши**си куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ҳамда болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) комиссиялари»;

2) **9-модда: номи** ва **биринчи қисмининг биринчи хатбоши**си куйидаги тахрирда баён этилсин:

«9-модда. Болалар масалалари бўйича миллий комиссиянинг ҳамда болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) комиссияларининг болаларни уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ҳамда болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) комиссиялари ўз ваколатлари доирасида»;

иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин: «Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ҳамда болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) комиссиялари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатлари ҳам амалга ошириши мумкин».

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–561-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 9, 586-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 12, 1194-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модда: саккизинчи хатбошидаги** «шилқимлик» деган сўз «шилқимлик, таъйиқ этиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги **ўн иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**таъйиқ этиш** – жабрланувчининг хоҳиш-иродасига қарши, унинг икки ёки ундан ортқ марта қаршилик қўрсатганигига ёхуд оғохлантирилганлигига қарамой содир этиладиган, жабрланувчини қидиришда, у билан оғзаки, телекоммуникация тармоқлари воситасида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ёки бошқа усуллари қўллаш йўли билан мулоқотга киришишда, унинг иш, ўқиш ва (ёки) яшаш жойига боришда ифодаланган ҳамда жабрланувчида ўз ҳавфсизлиги учун хавотирлик қўзғатадиган ҳаракатлар»;

ўн иккинчи хатбошиси **ўн учинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

2) **12-модда: номи** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«12-модда. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари»;

биринчи қисмининг: биринчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси»; **тўртинчи хатбоши**си куйидаги тахрирда баён этилсин: «хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларинда ижтимоий реабилитация қилишга ҳамда ўз жонига қасд қилишининг олдини олишга доир тадбирлар ўтказди»;

3) **18-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **23-модда: номидagi «ва унинг муддатини узайтириш»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

куйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Агар таъйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи ҳамда таъйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс бир жойда ишласа ёки ўқиса, тегишли ҳудудда таъйиқ ва зўравонликнинг яқка тартибдаги профилактикасини амалга оширувчи ички ишлар органининг мансабдор шахси томонидан жабрланувчига ҳимоя ордери берилганидан кейин бир иш куни ичида таъйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг иш ёки ўқиш йўлига, агар таъйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс ташкилот раҳбари бўлса, оқори турувчи органга, жабрланувчи ва таъйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс ўртасидаги бевосита алоқани таққиллаш тўғрисида тақдимнома юборилади.

Таъйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи ишлаётган ёки таълим олаётган ташкилот раҳбари тақдимномани олганидан кейин, уч иш куни ичида жабрланувчи ҳамда таъйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс ўртасидаги бевосита алоқани таққиллаш тўғрисида тақдимнома юборилади.

Таъйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи ишлаётган ёки таълим олаётган ташкилот раҳбари тақдимномани олганидан кейин, уч иш куни ичида жабрланувчи ҳамда таъйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс ўртасидаги бевосита алоқани таққиллаш тўғрисида тақдимнома юборилади.

бешинчи – саккизинчи қисмлари тегишинча **еттинчи – ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

еттинчи қисмидаги «Ўттиз кунгача» деган сўзлар «бир йилгача муддатга жиноят ишлари бўйича суд томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги «узайтириш» деган сўз чиқариб ташлансин;

тўққизинчи қисмидаги «уни берган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) куйидаги мазмундаги **23¹-модда** билан тўлдирилсин:

«23¹-модда. Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш

бўлган ички ишлар органининг мансабдор шахси томонидан таъйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг аризасига кўра, бир иш куни ичида ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш бўйича материаллар тайёрланади ҳамда ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома расмийлаштирилган ҳолда жабрланувчининг яшаш жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига юборилади.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичида ёпиқ суд мажлисида жабрланувчи ҳамда таъйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс ҳазирда қўриб чиқилади.

Илтимосномани судда кўришда адвокат иштирок этиши мумкин. Жабрланувчининг ҳамда таъйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахснинг суд мажлисида келиши ички ишлар органи ходими кузатуви остида амалга оширилади.

Таъйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахснинг суд мажлисида узрсиз сабабларга кўра ҳозир бўлмаганлиги ишни кўриб чиқшга монелик қилмайди. Агар суд мазкур шахснинг судда ҳозир бўлишини шарт деб топса, суд уни мажбуран олиб келиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Судья иш материаллари билан танишиб чиққанидан кейин ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида ёки ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида қарор чиқаради.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорда куйидагилар кўрсатилади:

ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган вақт ва жой ҳақидаги маълумотлар, қарорни қабул қилган суднинг номи, судьянинг, тарафларнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

таъйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳамда таъйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, машғулотнинг тури ҳамда яшаш жойи;

ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар;

таъйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга нисбатан қўлланилган, ушбу Қонуннинг 26-моддасида назарда тутилган чекловларнинг рўйхати.

Суднинг ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарори ўқиб аштитрилган пайтдан эътиборан кучга киридаи ва ички ишлар органига томонидан дарҳол ижро этилади.

Судья таъйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга қарор устидан шикоят қилиш тартиби ва муддатини, шунингдек ҳимоя ордери талабларини ҳамда уларни бажармаслик оқибатларини тушунтиради.

Қарорнинг кўчирма нусхаси таъйиқ ва зўравонликнинг яқка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш учун масъул бўлган ички ишлар органининг мансабдор шахсига, таъйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига, шунингдек таъйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга дарҳол топширилади.

Агар улар суд мажлисида келмаган бўлса, қарорнинг кўчирма нусхаси бир сутка ичида почта орқали тарафларга юборилади.

Суднинг ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ёки ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги қарори устидан таъйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи, таъйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс, агар ишда иштирок этган бўлса, уларнинг адвокати, қонуний вакили томонидан 72 соат ичида апелляция тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиниши унинг ижро этилишини тўхтабди турмайди.

Ҳимоя ордери талабларининг бажарилиши устидан назорат ички ишлар органи томонидан амалга оширилади»;

6) **24-модданинг учинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўн саккиз ёшга тўлмаган, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган таъйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига ҳимоя ордерини бериш ҳамда уни узайтириш тўғрисидаги ариза уларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакили ҳозирлигида кўриб чиқилади»;

7) **26-модда:** куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш масаласини ҳал қилишда, суд мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чекловлардан ташқари куйидаги чекловларни қўллашга ҳақли:

таъйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг муайян жойларга боришини таққиллаш;

наркологик касалликдан амбулатория ёки стационар шароитларда даволаниш каби мажбуриятлардан бирини ёки бир нечтасини таъйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига юклатиш;

таъйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг жабрланувчи ашайдиган уй-жой майдонидан ёки унинг бир қисмидан фойдаланиш, жабрланувчининг иш жойига ёки у жойлашган бошқа жойларга яқинлашиш ҳуқуқини вақтинчалик чеклаш»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисмидаги «биринчи қисмида» деган сўзлар «биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Агар ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани» деган сўзлар «Агар ҳимоя ордерини бериш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги масалани» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **28-модданинг: биринчи қисми** куйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Таъйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг вояга етмаган болалари улар билан бирга махсус марказларга жойлаштирилиши мумкин»;

бешинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин: «Таъйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига, шунингдек уларнинг ўзи билан бирга махсус марказларга жойлаштирилган вояга етмаган болаларига ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар таъйиқ ўтказганликда ва зўравонлик содир этганида айбдор деб топилган шахсдан ундирилиши мумкин».

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қафолатлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–562-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси 2019 йил, № 9, 587-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 12, 1187-модда) куйидаги қўшим

Ўзбекистон — Хитой: ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ЮКСАК БОСҚИЧДА

Олдиндан бемалол башорат қилиш мумкин, учрашув натижалари бемисл бўлади. Ҳозирги вақтда Хитойнинг Марказий Осиё республикалари билан муносабатлари ўзининг юқори чўққисиди, айтиш пайтда, уларнинг ўсиши учун сезиларли салоҳият сақланиб қолган. Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан умумий маҳсулот айирбошлаш ҳажми 50 миллиард долларлик кўрсаткичга яқинлашди. Давлат раҳбарларининг "5+1" шаклидаги онлайн саммитида яқин йилларда ушбу кўрсаткичнинг 70 миллиардга етказиш мақсади ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама асосда, шунингдек, "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасида ошириб кўрсатилади.



костонга транспорт воситаларини импорт қилиш, шунингдек, мамлакатда янги энергия манбаларида ишлайдиган автотранспортдан фойдаланишни жорий этиш мижёси бўйича рекорд деб тан олинди.

Камбағалликка қарши курашдаги ғалаба

Ўзбек — Хитой кенг мижёсли муносабатларининг салмоғида камбағалликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражасини ошириш ишига бу борада улкан таъриҳа тўплаган хитойлик мутахассисларни жалб этиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Ҳўш, ХХРнинг мазкур масаладаги таъриҳаси нимаси билан эътиборли? Осмоноти мамлакатда камбағалликни ўн асрдан охиқ вақт давомида мавжуд бўлиб келган муаммо деб аташди. Аммо қарангки, уни қисқа муддатда тугатишга эришилди. Қашшоқликка қарши чинакам уруш эълон қилинди. Ва 2021 йилда Си Цзиньпин унинг устидан ғалаба қозонилганини баён этди. Ўн йил давомида 100 миллионга яқин кам таъминланганлар камбағалликдан қутқарилиди.

Ваҳоланки, 2012 йилда 98,99 миллион хитойлик камбағаллик ва қашшоқликда ҳаёт кечирарди. Бу — 832 уезд ва 128 минг қишлоқ, дегани.



Камбағалликка қарши курашдаги манзилли стратегия унга қарши "аниқ зарба"лар бериш имконини туғдирди. Маъсул ходимлар ҳар бир хўжаликка кириб, оила аъзолари тўғрисида маълумот йиғди. Шундан кейин кишиларни камбағалликдан чиқаришга қаратилган режалар ишлаб чиқилди, йўл-йўриқлар кўрсатилди.

Сармоячи ва молиявий қўлловга келадиган бўлсак, бу ўринда Хитой ҳукумати бош сармоюдор ролини ўйнади. У камбағалликка қарши курашда қатнашишга икътимоий жамғармаларни жалб этди. Мазкур мақсадлар учун ўн йил давомида 250 миллиард доллар йўналтирилди.

Хуллас, муҳтожларга ёрдам кўрсатишда социал сафарбарлик, қуларнинг бирлаштирилиши ва бутун жамиятнинг иштироки ҳал қилувчи роль ўйнади. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатнинг шарқий қисмидаги мазмурий худудлар гарбий қисмдаги қашшоқ уездлар устидан раҳбарликни қўлга олишди.

Ички ҳаракатлантирувчи куч ва захираларга туртки бериш учун одамларга таъбир жоиз бўлса, нафақат баллик ва қармоқ бериш, балки хоҳиш-истак уйғотиш ва баллиқни қандай овлашни ўргатиш керак эди. Бунинг учун Хитойда ёрдам кўрсатиш ва кам таъминланган аҳолининг ўзини намойи этиши ўртасида мувозанатни таъминлашга қарор қилинди, бу эса муҳтож аҳолини ўз кучига ишонтишга ва меҳнат билан фаровонликка эришиш мумкинлигига умид уйғотди.

Руслан КЕНЖАЕВ.

«Органик Хлорелла» МЧЖ:

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ ВА ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР УЙҒУНЛИГИ

Президент маъқуллаган лойиҳа

Табий ва экологик жиҳатдан тоза, кимёвий бирикмалардан холи бўлган соф биологик ўғит — органик хлорелла тайёрланиши жараёнида унга 20 га яқин микро ва макро элементлар қўшилади. Шу боис органик хлорелла жаҳон таъриҳасида қишлоқ хўжалигининг пахта ва галлачилик, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик сингари тармоқларида кенг қўлланилади. У фойдали оқсилларга бойлиги учун пахта ва галла ҳосилини ошириш, сифатини яхшилаш, мева-сабзавотлар, чорва моллари, парранда гўшти ва тухуми, асалари маҳсулдорлигини кўпайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, органик хлорелла тупроқ унумдорлигини ошириш, табий қувватини яхшилаш, шўрини ювиштиш жуда қўл келади. Ўз навбатида, ундан баллиқ боқиладиган сув ҳавзаларини тозалаш, ичимлик ва оқова сув тармоқларида йиғиладиган зарарли микроорганизмлар, нохуш хидларни кетказишда самарали фойдаланиш мумкин.

— Орол денгизининг баллиқчилик соҳасидаги машҳур шурқатини қайта тиклаш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва шўрини ювиштиш органик хлорелладан фойдаланиш жуда муҳимдир, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими докторанти Севара Рустамова. — Ҳозирда маҳаллий табий-иқлим шароитига мос ўсимликлар, хусусан, органик хлорелла турини яратиш устидида илмий изланишлар олиб бормоқдаман.

Президентимиз билан юзма-юз мулоқотда органик хлорелланинг Оролбўйида баллиқчиликни ривожлантириш, шўр ерларни тозалаш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича аҳамиятга эга ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари илмий ишнинг мавзусини маъқуллаб, келгуси фаолиятимга муваффақиятлар тилади. Албатта, бундай эътибор ва рағбатдан катта мотивация олдм.

Ҳўш, органик хлорелла ўзи нима? У сув ўсимлиги бўлиб, интенсив усулда етиштирилади. Интенсив етиштиришга махсус ўсиш шароитлари учун маълум бошқарув тизимлари билан сув ҳовзиви ёки аквариумда қатъий белгиланган ўсиш тизимини ташкил этиш орқали етиштирилади. Хлорелла — яшил ўтларига мансуб бир ҳужайрали тирик организм, микроорганизм сув ўтдири. Бу сув ўтлари таркибиди кўп миқдорда витаминлар, антиоксидантлар, микро ва макроэлементлар, муҳими аминокислоталар мавжуд.

Хлорелла баллиқ ҳовузуларида қўпайтирилса, сув орқали юкдиган юкүмли касалликлар патогенлари — бактериялар, замбуруғлар ва вирусларга қарши ферментлар ишлаб чиқаради ва патогенларни йўқ қилади. Хлорелла баллиқ ҳовузуларида қисқордиқ 30 — 40 фоизга оширади. Бу баллиқчилик соҳасида маҳсулдорлиқни янада ошириш учун асосдир.

Ҳозирги вақтда Оролбўйи минтақасида фаолият юритаётган 624 фермер хўжалигининг аксарияти — баллиқчилик билан шуғулланидиган фермерлар хлорелла сотиб олиш бўйича таклифлар беришди. Бу борада фермерлар ва баллиқ етиштирувчилар томонидан хлорелла сотиб олиш борасида дастлабки келишувларга эришилди.

Хлорелла чикинди сув ҳавзаларини тозалайди, чорва молларига хлорелла суспензия берилса, у сут таркибидида оқсил ва ёғ миқдорини оширади. Парранда озусига қўшишганда тухумнинг инсон организми учун фойдали витаминларга бойлигини яхшилади. Баллиқларга табий озуқа бўлиб, Қорақалпоғистон шароитида дўнгпешона, сазан балиғи парваришида емил учун сарф-

ланадиган ҳаражати қамайтиради. Муқтасар айтганда, органик хлорелла оқова сув ҳавзаларини тозалаб, қайта ишлашти, чорвачилик, баллиқчилик тармоғини ривожлантиришда инновацион ғоя ҳисобланади.

Лойиҳа қиймати — 2 миллион доллар

Тошкент вилоятининг Бўка тумани, "Ачамайли" МФЙ худудида жорий йилнинг февраль ойида иш бошлаган "Органик Хлорелла" МЧЖ жамоаси ўтган қисқа фурсатда қувонарли ютуқларга эришгани эътиборга лойиқ. Лойиҳа қиймати 2 миллион доллар бўлиб, у тўрт босқичда 2023 — 2026 йиллар давомида амалга оширилади.

— Инновацион лойиҳани белгилан-

меъёрда таъминлаш учун қўшимча қурилмалар ўрнатилди. Аквариумлар оқова сув ҳавзаларини тозалаш, қайта ишлашти, чорвачилик, баллиқчилик тармоғини ривожлантиришда инновацион ғоя ҳисобланади.

— Соф сув ҳавзаларидан ажратиб олинандиган оналик илдизлари лаборатория шароитида тайёр маҳсулотга айланади, — дейди Альберт Манқуньян. — Қуёш нури, намлик меъёрида бўлса, органик хлорелла уч кунда тайёр бўлади. Ҳаво булутли бўлган кунлари аквариумлар қўшимча иссиқлик билан таъминланади. Ўзбекистоннинг бу борадаги табий имкониятларига ҳавас қилса арзийди. Билимга чанқок, интилувчан йигит-қизлар янги соҳа сир-асрорларини жуда тез ўрганишга эътиборини таъминлаш лойиҳа қиймати 2 миллион доллар бўлиб, у тўрт босқичда 2023 — 2026 йиллар давомида амалга оширилади.

Органик хлорелла қишлоқ хўжалигида ғоятда фойдали. Хусусан, ама-

ёранган дастлабки маҳсулотлар мутахассисларидан идораларга тақдим этилган бўлиб, патентлаштириш жараёни давом этмоқда.

— Хар бир инсон учун кунига 0,5 литр фойдали дармондориларга бой органик хлорелла минерал суви ичиш тавсия қилинади, — дея суҳбатимизни давом эттирадиган қорхона лаборатория ходими Манзура Гуломова. — Бундан кунига икки маҳал — эрталабки нонушта ва кечки овқат олдиндан ичиш зарур. Шу тариқа ушбу минерал сув организмни зарарли токсинлардан тозалайди.

Умуман олганда, тўрт босқичга мўлжалланган лойиҳа тўлиқ якунланган, бу борада тўлақоли тизим шаклланади ва "Органик Хлорелла" МЧЖ тасарруфидида қорхоналарда юзга яқин янги ўринлари яратилади.

Амалий натижалар қувонарли

Тошкент вилоятининг Бўка туманида жойлашган "Сахро нихол агро" фермер хўжалигининг 119,7 гектар экин ери мавжуд. Хўжалиқ, асосан, пахта ва галла етиштиришга ихтисослаштирилган.

— Гапнинг очиги, еримиз заҳарли кимёвий ўғитлардан чарчади. Бундай зарарли моддалар мева-сабзавотлар, галладан тайёрланадиган ун орқали инсон организмни заҳарлаётгани янада ачинарилади, — дейди фермер хўжалиғи раҳбари Зухриддин Турдиқулов. — "Органик Хлорелла" МЧЖ тавсияси асосида ушбу биоўғитни бир гектар галла майдонига икки марта 20 литрдан суспензия қилиб сегилади.

Айни кунларда илк ҳосил нишончалари бўй кўрсата бошлади. Мутахассисларнинг дастлабки ҳисоб-китобига қўра, бу йил ҳосилдорлик ўртача 30 — 35 центнерга ошади.

Қақшадарё вилоятининг Косон туманидаги "Давқум Шоимов" фермер хўжалиғида 33 гектар, "Кўчқор ўғли Саню бобо" фермер хўжалиғида 47 гектар, "Давлат бобо" фермер хўжалиғининг 35 гектар галла майдонига органик хлорелладан фойдаланилгани натижасида ҳосил салмоғи, сифати ва даромади ҳар йилгидан яхши бўлишига ишон билдирилмоқда.

— Туманда биринчи бўлиб 28 гектар галла майдони парваришида "Органик хлорелла" биоўғитидан фойдаланди, — дейди Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида жойлашган "Баҳром бобо" фермер хўжалиғи раҳбари Шоди Қаршиев. — Ҳозирдан нафақат ҳосил чўғи баланд бўлиши, ернинг сифати, унумдорлиги яхшиланишига ишонганман.

Тадбиркор Ақтам Нормўминов Жиззах вилоятининг Янгибобо туманида 40 гектар ерга Нидерландиядан олиб келинган 50 минг туп павловния кўчатини экти. Мебелчиликда муҳим ҳомаш бўлган павловния дархати парваришида тадбиркор органик хлорелладан фойдаланяпти. Унинг таъкидлашича, дастлабки натижалар қувонарли.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, бугунги кунга қадар мамлакатимизда органик хлорелла биомасулути, асосан, Россиядан импорт қилинган. Бу маҳсулотдан фақат баллиқчилик соҳасида фойдаланилган ҳолос.

Эзгу ташаббус доирасида эндиликда ушбу маҳсулот ўзбекистонда ишлаб чиқарилиб, ички бозор эътиҳжи тўлиқ қопланади, яқин истиқболда экспорт қилиш ҳам йўлга қўйилади.

Президентимиз ҳар гал мамлакатимиз зиёлилари, олимлар, олий таълим муассасалари раҳбарлари, ёшлар билан юзма-юз суҳбатлар давомида илм-фан ютуқларини амалиёт билан ўзаро интеграция қилиш мумкинлигига алоҳида эътибор қаратади. Юрт раванқ-ривожини таъминлашда билим, инновация, таълимдан бошқа наҳот йўқ эканлигини таъкидлайди.

Шу маънода, "Органик Хлорелла" МЧЖ фаолияти тобора ривожланиб боришида тадбиркорлик ташаббуси, инновацион ғоя, илм-фан намояндаларининг ўзаро самимий ҳамкорлиги муҳим роль ўйнади.

Ботир МАДИЁРОВ (Халқ сўзи).

Юнус БҮРҒИЕВ олан суратлар.

Реклама

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИНГ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Жамиятнинг номи: «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти.

Жойлашган жойи: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темуր шоҳқўчаси, 101-уй.

Электрон почта манзиллари: info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz

Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва манзили: 2023 йил 28 апрель, соат 11:00. Тошкент шаҳри, Амир Темуր шоҳқўчаси, 101-уй.

Акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: 2023 йил 24 апрель.

Кун тартибига киритилган масалалар:

1. «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти қузатув кенгаши аъзоларининг янги таркибини сайлаш ва тасдиқлаш;
2. «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш;
3. «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти қузатув кенгаши тўғрисида»ги Низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 441. 18 625 нухсала босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлб ёзиш учун QR-қоднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўёбмазар тақрир қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.

Газетанинг оқсиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақлалади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиж — М. Беккулова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили:
Буюқ Турун кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.30 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamax@mail.ru
reklama@xs.uz